

Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

O'zmilliybank

06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА	
	Полное:	“O'zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki” aksiyadorlik jamiyati
	Сокращенное:	O'zmilliybank
	Наименование биржевого тикера:	Нет
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ	
	Местонахождение:	Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй
	Почтовый адрес:	100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй
	Адрес электронной почты:	info@central.nbu.uz (mailto:info@central.nbu.uz)
	Официальный веб-сайт:	www.nbu.uz (https://www.nbu.uz)
3.	ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	внеочередное

Дата проведения собрания:	03.11.2025	
Дата составления протокола собрания:	12.11.2025	
Место проведения собрания:	Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 101 - уй	
Кворум собрания:	100,00	

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш;	100,0	16 697 181 805	0	0	0	0
2	“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;	100,0	16 697 181 805	0	0	0	0
3	“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти 2025 йил биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича олган соф фойдасини тақсимлашни кўриб чиқиш;	100,0	16 697 181 805	0	0	0	0

4	“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти устав капиталини ошириш.	100,0	16 697 181 805	0	0	0	0
5	“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;	100,0	16 697 181 805	0	0	0	0

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием
1	“Ўзмилийбанк” АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин: 1. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджери Баҳромов Алижон Акбарович; 2. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти Портфель инвестицияларни бошқариш бўлими лойиҳа менеджери - Юсупов Муҳаммаджон Алижон ўгли; 3. Корпоратив алоқалар ва инвестициялар департаменти, Корпоратив бошқарув хизмати менеджер ассистенти Муҳамедова Шахло Дилмурод қизи.
2	“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин: - маърузалар бўйича муҳокамага – 15 дақиқагача; - кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 10 дақиқагача; - кун тартибидаги масала бўйича овоз бериш учун – 5 дақиқагача.
3	Банкнинг 2025 йил биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича соф фойдаси 1 005 293 849 973,25 сўм қўйидагича тақсимлансин. Банк устав капиталини оширишга - 955 029 157 474,59 сўм; Солиқ тўловларига (5%) – 50 264 692 498,66 сўм йўналтирилсин.

4	<p>Ўзмилийбанк” АЖнинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 1 069 933 365 дона умумий қиймати 1 069 933 365 000,00 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин. “Ўзмилийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин: Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна): ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали банк акциядорлари улушларига мутаносиб равишда, яъни қуйидаги тартибда жойлаштирилади: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлигига – 435 949 182 дона; Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига 633 984 183 дона. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: ушбу чиқарилишдаги акциялар, мазкур акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш) календар куни ичида жойлаштирилади; Жойлаштиришнинг бошланиш санаси - ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошланади. Жойлаштиришнинг тугаш санаси - ушбу чиқаришнинг охириги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) календар кундан ортиқ бўлмаган муддатда. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: ушбу чиқарилишдаги акциялар уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида қуйидаги тартибда жойлаштирилади: 955 029 158 дона (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига – 389 130 944 дона ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига – 565 898 214 дона) акциялар фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмаган ҳолда амалга оширилади; 114 904 207 дона (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига – 46 818 238 дона ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига – 68 085 969 дона) акциялар фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилган ҳолда амалга оширилади. Акцияларни жойлаштирилиши жараёнида андеррайтер жалб қилинмайди. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқ назарда тутилмаган. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: ушбу чиқарилишдаги акциялар 1000 (бир минг) сўмдан жойлаштирилади. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов банкнинг биринчи ярим йиллик соф фойди учтав капиталига йўналтирилган қисми ва банк балансига қабул қилинган бино ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Мазкур чиқарилиш амалга олмаган ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу чиқарилишдаги акциялар тўлови учун олинган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга олмаган ёки суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб, 10 кун ичида қайтарилди.</p>
5	<p>Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин; Банк раисига ушбу қарорга мувофиқ акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг рўйхатдан ўтказилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддат ва тартибда Банк акцияларини чиқарилиши ва жойлаштирилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин. Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор матни иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти Кенгаши аъзоси М.Норгитовга ушбу қарор матнини тасдиқлаш ваколоти берилсин.</p>

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	Мирсоатов Алишер Кудратуллаевич
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Рихсиев Баходир Толаганович
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	Файзиев Тохир Ботирович


Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента (<https://nbu.uz/aksiyadorlar-va-investorlaga/aksiyadorlar-umumiy-yigilishi-materiallari>)

Источник: <https://openinfo.uz/facts/6/13334>

Дата загрузки с портала: 02.04.2026

Дата подписания: 27.11.2025

**TIF O`ZMILLIY
BANK AJ**
Direktor o`rin bos.



**RIXSIYEV BOXODIR
TOLAGANOVICH**